



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 8 октябрь, № 212 (8555)

Якшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 5 — 7 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кунлари Москва шаҳридаги Ислам Каримов хиёбонига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт

Тоқаев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан биргаликда Россиядан Қозоғистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга табиий газ етказиб берилишига шарт берди.

Телекўприк тарзида ўтган маросимда давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги уч томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқадиган ушбу воқеанинг тарихий аҳамиятини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон ва Россия етакчиларига ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилишини шаҳсан қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдирди. Газ етказиб беришни жуда қисқа муддатда ташкил этиш, магистраль газ қувури қисмларини реконструкциялаш, компрессор станцияларини модернизация қилиш ва янги "Бейнов" газ-ўлчов станциясини қуриш ишларида иштирок этган мутахассисларга алоҳида раҳмат айтди.

Россия газини "реверс" тарзда импорт қилиш бошланаётгани Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз энергетик хавфсизлигини таъминлаш, "мовий ёқилғи"ни кафолатли етказиб бериш манбаларини диверсификация қилиш йўлида олдинга ташланган катта кадам, истеъмолдаги мавсумий номуносибликни қоплаш, аҳолини газ ва электр энергияси билан ишончи ва узлуксиз таъминлаш учун энергия ресурсларининг қўшимча ҳажмлари демак.

Ушбу йирик лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши ва унинг натижалари уч мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ JAҲОН ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН ЖОЗИБАДОР ШЕРИККА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАНИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЁН ЭТДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 5 — 7 октябрь кунлари Россияга амалга оширган расмий ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларидан катта қизиқиш уйғотди.

Солих ИЙЛМАЗ, "RUSEN" Россия ва МДХ мамлакатларини ўрганиш институти директори (Туркия):



— Ўзбекистон ва Россияни стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари боғлаб туради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга бу галги ташрифи воқеа-ҳодисаларга бой ва мазмунли бўлди. Ташриф доирасида Россия Президенти Владимир Путин, Ҳукумат раиси Михаил Мишустин ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан учрашувлар ўтказди. Улар давомида икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учинчи минтақалараро ҳамкорлик форумининг Қозон шаҳрида ўтказилганини мумин деб биламан. Форум якунлари бўйича умумий қиймати 3,5 миллиард долларлик шартнома ва битимлар имзолангани Россия бизнесининг Ўзбекистонга катта қизиқиши борлигини даволат беради. Бу Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизнинг иқтисодийни либераллаштириш ва қулай бизнес муҳитини яратиш борасида амалга оширилётган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

Томонлар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини рақамлаштириш, шунингдек, Россиянинг илгор таърибасидан фойдаланган ҳолда республикада электрон тижоратни жорий этиш соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалаларини муҳокама қилгани, шубҳасиз, ушбу ташрифнинг асосий амалий утуқларидан бири бўлди.

Ишончим комилки, давлат раҳбарларининг саноат кооперацияси бўйича ийл



Су ЧАН, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россияга расмий ташрифи воқеаларга жуда бой кечди. Ўзбекистон раҳбари Қозон ва Москвада қатор тадбирлар ўтказди. Савдо, сарможий, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мустақам икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭНГ УЛУҒ ВА МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеликлардан бўлган — янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг 1-моддасида "Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат", деган норма белгиланди. Бу орқали янги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, концепциялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратилди.

Фикр

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ҳозирги ислохотларнинг асосий тамойили бўлган "Инсон — жамият — давлат" деган ёндашув амалий ҳаётимизда бош қадриятга айланиб, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмунига ҳам чуқур сингдирилди. "Инсон қадрини ушун" ғоясини, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буюн барча соҳада биринчи ўринда туриши кераклиги алоҳида эътироф этилмоқда.

Тарихий таърибга назар соладиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари, аввало, унинг табиий яшаш ҳуқуқида намоён эканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи — бу энг улуғ ва муқаддас қадриятлардан бири ҳисобланади.

Яқин йилларга қадр Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳолати халқаро ҳамжамият ва ташкилотлар томонидан қаттиқ танқидга олинар, бу нафақат юртимиз нуфузига, балки мамлакатимиз иқтисодий ривожига

ҳам салбий таъсир кўрсатар эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга эътибор берилса, унинг 25-моддасида аввалги Конституцияда мавжуд бўлмаган норма, яъни "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси таъқиқланади" деган талаб қатъий белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг муҳокама вақтида айрим фуқаролар томонидан ўлим жазосини тиклаш, уни жиноят қонучилигига қайта киритиш ҳақида таклифлар ҳам илгари сурилганлиги давлат раҳбари томонидан 2022 йилнинг июнь ойида Конституциявий комиссия билан бўлиб ўтган учрашувида қайд этилди.

Мамлакат Президенти бугунги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини, ислохотларимиз ҳеч қачон тўхтамайдиغان ва ортага қайтмайдиغان аҳамият касб этишини, янги Ўзбекистонда ўлим жазоси қайта тикланмаслигини қатъий тарзда бутун ҳамжамиятга баралла таъкидлади.



Мустақиллик кунларида миллатимиз ойдинлари хотирасини эъзозлаш, хизматларини эслаш яхши анъана. Чунки улар халқимиз озодлиги учун, бугунгидек эмин-эркин кунлар учун интилган эди. Бу сана Ватанга фидойилик унутилмаслигини, ҳамisha қадрлигини англатади.

Ўзбекнинг улуғлари. Жадидлар

ВАТАНГА ФИДОЙИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганига тарих гувоҳ. Хусусан, Ватан ва халқ озодлиги учун курашда ўз замонининг илгор намоёндалари бўлган Бухоро жадидларининг алоҳида ўрни бор. Аҳмад Дониш, Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний, Садр Зиё, Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Отаулла Хўжаев сингари миллат ойдинларининг саъй-ҳаракатлари туфайли жадидчилик қарашлари ривожланиб, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этгани кўпчиликка маълум.

XX аср бошларида Туркистон маданий ҳаётида юз берган энг муҳим воқеликлардан

бири — мактаб ўқув ишларидаги ўзгаришлардир. Жадидлар ғоят мураккаб ва қийин шароитда билан ва маърифат тарқатиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислох этиш орқали миллий тараққиётга эришиш ғояси билан майдонга чиқди.

Масалан, Исмоилбек Фаспирали 1908 йил эзида иккинчи марта Бухорога келиб, мактаб ва мадраса ислохотлари бўйича қатор ишларни амалга оширди. Бухоро амирлигида "Таржимон" газетаси кенг тарқатилади ва жадидчилик ҳаракати кучаяди. 1907 йилда Мир Бадриддин Қозилқон рухсати билан татар тилида Низомиддин Собитий ўз уйида очган янги усул мактабининг дарс жараёни билан танишган

Исмоилбек Фаспирали бу мактабда ўзининг 4 қисм, 27 та "Алифбе" дарсидан иборат "Ҳўжа сибиён" ("Болалар муаллими") номли дарслигидан фойдаланилганига гувоҳ бўлади. Бу мактабда кейинчалик машҳур профессор Абдурахмон Саъдий ўқитувчилик қилади.

Мактаб ва мадрасаларни ислох этишга киришган Бухоро жадидлари 1908 йилнинг октябрида Бухоро шаҳри ичида "Дарвозаи Саллоҳона" гузаридида Мирзо Абдулвоҳид Мунзим уйда форсий тилда Бухородаги илк усули жадид мактабини очиади. Садриддин Айний бу мактабда санокли бўлган ўқувчилар сони икки ой ичида 12 нафарга етганини қайд этган.



Осиё ўйинлари

ЎЗБЕК СПОРТЧИЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида давом этаётган XIX Осиё ўйинларининг навбатдаги кунлари ҳам ўзбек спортчиларининг ёрқин галабаларига бой бўлди.

Нуфузли мусобақанинг қаратэ WKF йўналишида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Севинч Раҳимова (- 55 кг) финалда Хитой Тайпейи вакили Суи-Пинг Куни мағлубиятга учратиб, Осиё ўйинлари голибига айланди.


Бадий гимнастика бўйича ҳамюртимииз Тахмина Ибромова ҳам олтин медаль соҳибаси бўлди. Яқалликнинг кўпкураш дастурида спортчимиз 131.300 балл жамғариб, энг яхши натижани қайд этди.

Эслатиб ўтамиз, бадий гимнастиканинг жамоавий беллашувларида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси олтин медалга эга чиққанди. Вакилларимиз ушбу натижаси билан келгуси йили Парижда ўтказиладиган ёнги Олимпиада ўйинларининг йўлнамасини ҳам қўлга киритганди.

Футбол бўйича Ўзбекистон жамоаси орадан 29 йил ўстиб яна Осиё ўйинлари шоҳсупасидан жой олди. Вакилларимиз охириги бор 1994 йил Японияда ўтказилган мусобақада голибликка эришганди. Бу гал ҳамюртларимиз учинчи ўрин учун кечган баҳсда Гонконгни 4:0 ҳисобида мағлуб этишди. Баҳсда голларни Алишер Одилов, Ҳусайн Норчаев (дубль) ва Алибек Давронов рақиб дарвозасига киритди.

Таърибали эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмонов (-74 кг) Осиё ўйинларидаги учинчи медалини қўлга киритди. Полвонимиз бронза медаль учун бўлган беллашувда туркманистонлик Перман Хоммадовдан устун келди. Бекзод Абдурахмонов 2014 ва 2018 йилги Осиё ўйинларида олтин медалларга эга чиққанди.

Ушбу спорт турида ўз имкониятини жинаб қўрган яна бир вакилимиз Жавраил Шапиев (-86 кг) ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Ҳамюртимиз учинчи ўрин учун кечган мурасасиз



баҳсда баҳрайлик Магомед Шариповни енгди.

Эътиборли жиҳати, қўлга киритилган ушбу натижалар Ўзбекистон спорти тарихида янги саҳифа очди. Гал шундаки, 2018 йилда Индонезияда ташкил этилган мусобақада ҳамюртларимиз 20 та олтин медаль жамғарган ва бу спортчиларимизнинг Осиё ўйинларидаги энг яхши натижаси эди. Бу сафар делегациямиз аъзолари қўлга киритган олтин медаллар сони 22 тага етди. Беллашувлар эса давом этмоқда.

Айни пайтгача Ўзбекистон терма жамоаси 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 бронза, жами 71 та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринда бормоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ИККИ ДАВР ОРАСИ

ёхуд камбағалликдан фаровонлик сари

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни таҳлил тарозисига кўяр эканмиз, ҳақиқатан ҳам, оламшумул ишлар амалга оширилаётганига амин бўламиз. Эслаб кўринг, ортида қолган узоқ йиллик тарих давомида бирор марта камбағаллик мавзуси муҳокама қилинганмиди? Албатта, йўқ! Давлатимиз раҳбари илк бор камбағаллик атамасини тилга олди. Токи мамлакатда эҳтиёжмандлар бор экан, давлат бой бўлмаслигини эътироф этди.

Эътибор

Бугунги кунга келиб, юртимизда камбағалликни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Қисқа муддат ичида бу борадаги режалар амалиётга айланиб, ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Андижон вилоятида ўтган йилнинг ўзида ишсизлик даражаси 9,9 фоиздан 9,1 фоизга, камбағаллик даражаси 21 фоиздан 17,5 фоизга тушишга эришилди. Шунингдек, камбағал оилаларнинг даромади кўтарилди, қирқдан ортқ маҳаллалар камбағалликдан, эллика яқини эса ишсизликдан ҳоли ҳудудларга айлантирилди. Жорий йилда бу кўрсаткичлар янада ошди. Қорасув шаҳридаги Амир Темури номи маҳаллада истикомат қилувчи Гулбахор Ибрагимова

ҳам бир пайтлар кам таъминланган оила ҳисобида турган. Турмуш ўртоғи оғир хасталикка чалинган, икки нафар вояга етмаган фарзандини тарбиялаш аёлнинг зиммасига тушди. Бироқ бу айтишга осон эди, холос. Аёлнинг рўзғор учун пул ишлаб топиш имконияти туннинг ҳисобига қолганди. Тонггача чеварчилик қилиб, оила учун уч-тўрт сўм даромад топа бошлади. Тўғри, баъзан ақаси, айрим ҳолларда дадас ҳолидан хабар олади. Бироқ, “Кўлдан берганга кўш тўймас”, деган гап бор. — Ана шундай пайтларда виллоят ҳокимлиги вакиллари хонадонимизга кириб келди, — эслайди аёл биз билан суҳбатда. — Турмуш ўртоғимдан ҳол-аҳвол сўрашди, унинг дори-дармонига ёрдам қилишларини айтишди.



Шароитим билан танишгач, оиладаги юмушларимга таъсир қилмайдиган бирор иш топиб, ойлик маош билан таъминлашга ваъда беришди. Тез кунларда “Андижон сув таъминоти” МЧЖнинг Қорасув шаҳар филиалидан хабар келди. Ўша кундан бошлаб фаррош вазиасида ишлай бошладим. Ишим оғир эмас, тонг сахарда зиммадаги вази-фамни бажариш учун бир соат вақт сарфлайман. Турмуш ўртоғимга ва фарзандларимга қараш ҳам имкон топмаган. Ва шуниси ҳам шукр қилгандим... Ҳа, бир кунда бир бурда нон топиш учун тонггача чеварчилик билан шугулланган, эвазига арзимас даромад толган бу аёл учун фаррошлик ортидан келган

даромад катта бойликдек эди, гўё. Бироқ тез орада уни янги даромад манбаи кутиб турганидан ҳали хабари йўқ эди. — Бир кун мен ишлаётган жамиятнинг виллоятдаги идораси вакиллари келиб, тикув машинаси совға қилишди, — суҳбатда давом этди у. — Тўғриси, ўзимни чок машина онамдан қолган эсдалик бўлиб, бугунги кунда у орқали тикилган кўйлақларнинг хариди чаққон эмасди. Шу боис замонавий тикув машинасини кўргангдай қувончимни сўз билан ифода қила олмаган. Дастлаб кредит ҳисобига олиб келишди, деб ўйлагандим. Бироқ уни ҳамма номидан совға қилишганини айтишди. Қолавер-

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

Эътироф

СамДУ ректори Хитойнинг энг нуфузли университети «Фахрий профессори» унвонига сазовор бўлди



Хитойда ўтказилаётган Ипак йўли университетлари ассоциациясининг йилги йилида Сиан Жиаотонг университети президентининг президенти, профессор Ванг Шугуо Самарқанд давлат университети (СамДУ) ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Махлис Сенати аъзоси Рустам Холмуродовга Сиан Жиаотонг университети «Фахрий профессори» унвонини топширди. Хитойнинг Сиан Жиаотонг университети 2015 йил январь ойида

«Халқ сўзи».

Инфратузилма

«МЕНИНГ ЙЎЛИМ» ЛОЙИХАСИ — АМАЛДА

Фарғона вилоятининг саноатчилар шаҳри бўлган Қувасойда жорий йилнинг ўтган даврида 15 километрдан зиёд ички йўлларда асфальт ётқизиш ишлари бажарилди.

Хусусан, шаҳарнинг “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi 2,8 км. ички йўллар “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида асфальтлаштирилди. Шу

давомида қўл етмас орзуга айланган улгурган эди. Ораста ва раvon йўллар фуқаронинг мушкулани оson, узoғини яқин қилмоқда. Айтиш жоизки, жорий



боис эндиликда маҳалладаги узоқ йиллар таъмир-талаб бўлиб ётган Азизтепа, Ибрат ҳамда Баркамол кўчаларининг раvon ва текислиги ҳудуд аҳолисига кўтаринки кайфият бағишламоқда. — Қарийб чорак асрдан буён ёзда чанг-тупрoқ, қишда лoй-балчиқ билан тўлган кўчаларимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига барчаннинг ҳаваси келяпти, — дейди маҳалла фаоли Икромжон Қаримов. — Чунки бу узоқ йиллар

йилда Қувасой шаҳрида “Менинг йўлим” лoйиҳаси доирасида иккита фуқаролар йиғинида 3,4 км., “Ташаббусли бюджет” лoйиҳаси доирасида битта маҳаллада 2,7 км., шунингдек, биринчи навбатда амалга оширилаётган чoра-тадбирлар режаси асосида иккита маҳаллада 8 км. ички йўллар таъмирланиб, асфальтлаштириш ишлари якунига етказилаётди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Интилиш

20 МИНГ ТОННА ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

Шу йилнинг июль ойида Қамаш туманидаги “Буритош ая” фермер хўжалиги томонидан йилгига 10 минг тоннадан ошмиқ ун ишлаб чиқариш имконини берадиган қувват ишга туширилган эди.

Бу борадаги яна бир ички лoйиҳа эса туман марказидаги қичиқ саноат зонасида рўёбга чиқарилди. “Қамаш олтин бошoқ агрокластер” масъулиятли шirkети томонидан барпо этилган ушбу корхонада Туркия технологияси асосида йилгига 20 минг тонна донни қайта ишлаб, юқори сифатли ун тайёрлаш имкони мавжуд. — Жамиятимиз кластер тизимида галла етиштиришга ихтисослаштирилган, — дейди жамият раҳбари Баҳром Алиев. — Худуддаги фермер хўжаликлари билан галла етиштириш бўйича шартнома тузиб, улардан йилгига ўртача 36 700 тонна дон қабул қилиб оламиз. Бу — ҳар

йили жамият тасарруфидagi омборхоналарга шунча миқдордаги хомашё йиғилади, деганми. Ушбу хомашёни ўзимизда чуқур қайта ишлаш орқали фаолиятдан келаятган даромадни яна бир неча мартаба ошириш мумкин. Шунинг ҳисоб-китоб қилган ҳолда 11 миллирдан сўм миқдордаги сармоя эвазига ушбу корхонани ишга туширдик. Айтиш жоизки, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот ички бозорга етказиб берилмоқда. Бу фаолият ортидан эса худуддаги 35 нафар кишининг доимий иш билан бандлиги таъминланди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳи фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши жойларда маҳалла инфратузилмаси, ижтимоий соҳа объектлари, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларининг қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этишдир.

Тараддуд

Шундан келиб чиққан ҳолда, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Улуғбек Мухаммадиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жиззах вилоятида бўлиб, ҳақиқий ҳолатни ўрганмоқда. Худудда аҳоли учун долзарб бўлиб турган муаммоларни ҳал этиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, қиш мавсумига тайёргарлик қириш ва уни беталафот ўтказиш юзасидан виллоят ҳамда туман (шаҳар) штаблари ва тегишли ишчи гуруҳлар ташкил этилган. Ҳар бир коммунал соҳа йўналишлари бўйича авария-таъмирлаш гуруҳлари тузилиб, уларда мутахассис ходимлар, махсус автомашина ҳамда механизмлар, ёнгилчи-мойлаш маҳсулотлари, асбоб-анжомлар ва тегишли моддий-техника базаси билан таъминланди. Қиш мавсумига тайёргар-

лик қириш ҳамда фаолият юритиши учун виллоятда “Ишонч телефони” йўлга қўйилиб, мурожаат ва аризаларни қабул қилиш учун зарур шароитлар яратилди. Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлашдаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Маълумотларга кўра, виллоятда бошқарув ташкилотларининг ўз маблағлари ва бюджет маблағлари ҳисобидан 164 та кўп қаватли уй-жойни мукамал ҳамда жорий таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача 131 та кўп қаватли уйда шундай юмушлар бажарилди. Хусусан, 133 та уйнинг 64,6 минг кв.м. том қисми, 113 та кириш йўлига, 298 донна электр тақсимловчи шит, 29 та уйнинг ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуни-



кация тармоқлари, фасад қисмлари мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда энерготехжамор лампаларни ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилаётди. Дарвоқе, аҳоли ҳамда ижтимоий соҳа объектларига кўмир маҳсулотини етказиб бериш бўйича 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсуми давомида жами 62 286,6 минг тонна кўмир ёқилгиси етказиб берилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда шундан виллоят бўйича 50 933,6 минг тонна кўмир етказиб берилди, яъни режага нисбатан бажарилгиси 82 фоизни ташкил қилади. Бу борадаги ишлар давом эттириляпти. Қиш мавсумига тайёрланиш тадбирлари доирасида виллоят бўйича жами 27,9 км. ички йўлларга асфальт ва

цемент-бетон қопламаси ётқизиш ишлари бажарилди. Аҳолига қўшимча 132 тонна суёлтирилган газ етказиб берилди. Шунингдек, газ таъминотини яхшилаш мақсадида 1383 та аҳоли хонадонидagi 3 мингдан зиёд газ анжомларига техника хизмат кўрсатилди, 1,4 км. газ қувурларни тартибга келтирилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида салкам 80 донна темир-бетон таъмирлаш ҳамда бир донна трансформатор ўрнатилиш ва 2,65 км. тармоқ тортиш ишлари бажарилди. Қолаверса, 1 150 метрлик ичимлик суви тармоғи тортилди. Республика ишчи гуруҳи фаолияти давом этади.

«Халқ сўзи».

ЗАЙНАБХОННИНГ «ОЛТИН ДАЛАСИ»

Зайнабхон “эҳтиёжманд”, “кам таъминланган” деган сўзларни кўп-да ҳушламайди. Шунданми, имкон топилди дегунча, ишлаб рўзғори кам-кўстини тўлдиришга интилади. Лекин доимий иш масаласида кўли калталиқ қилиб турганди. Буни қарангки, аҳолига 20 сотиқдан ер берилаятгани қулоғига чалиниб қолдию, юзига нур ёғилди. “Бу биз учун имконият, имтиёз, рағбат-ку!” деб ўйлади.

Имтиёз

Шудай қилиб, Жондор туманидаги “Довуд” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истикомат қилувчи Зайнаб Ўрмоновга такрорий экин экиш учун 20 сотих ер ажратилди. Бундан чандон қувонганини сўз билан ифода қилди. — Эрта тонгда кетмонни елкага олиб, далага йўл оламиз, — дейди Зайнаб опа. — Очиги, биз бу ерларни энди “Олтин дала” деймиз. Чунки у ўз уйимиздек қадрдон ва ризқ-насиба манбаи. Қовун, тарвуз, пиёз, сабзи етиштириб, бир қисмини бозорда сўтаёмиз. Шу тариқа рўзғор каму кўстини тўлдириямиз. Энг муҳими, ишли эканим, пешона тери билан ҳалол ризқ топаётганимдан қувонаман. Ишли одам — бахтли одам экан. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Асқар Остоновнинг билдиришича, бу йил ҳосилдан бўшаган 17 гектар экин майдони “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”да турган 60 нафар фуқарога аукцион

орқали такрорий экин экиш учун ажратиб берилди. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари, дуқакли экинлар етиштирилмоқда. Тайёр маҳсулот пешма-пеш бозорга чиқариляпти. Натижада эҳтиёжманд оилаларнинг реал даромади ва турмуш даражасини ошириш имкони юзага келяпти. Президентимиз ташаббуси билан аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган бу хайрли тадбир Олот туманида ҳам ўз мевасини бермоқда. Бунини шу туманнинг Хидрейли маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. — Худудимизда яшовчи 20 нафар эҳтиёжманд фуқарога такрорий экин экиш учун аукцион орқали 30 сотиқдан ер ажратилди, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Элбек Раҳматов. — Ишни “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида ташкил этганмиз. Давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириғи билан бу ерлар ҳар бир деҳқонга 30 йил муддатга берилишидан фуқароларимиз бениҳоя хурсанд. Бу — томорқачиларнинг кўнгилларини хотиржам тутган

ҳолда ерга меҳр бериб ишлаши учун катта имкониятдир. Олотдан ҳамаси 130 километр олисда — Ғиждувон туманидаги Лабирўт маҳалласида яшовчи Зухра Ражабовадан ҳам худди шу мазмундаги сўзларни эшитдик. — Ўтган йили ҳосилдан бўшаган ерда такрорий экин экиб, 20 миллион сўм даромад қилганми, — дейди у. — Ҳалол меҳнат ортидан топилган пулни рўзғоримиз кам-кўстига сарфладик. Қолаверса, ўз кучимизга бўлган ишонч ортиди. Ер билан тиллашган асло кам бўлмас экан. Бу йил бир гектар ерда қовун етиштириямиз. Насиб этса, ўтган йилдагига нисбатан икки-уч баравар кўп даромад оламиз. Меҳнат қилганнинг бутун бўлади. Буни биз ўз фаолиятимиз мисолида кўриб турибмиз. Эътиборлиси, Бухорода такрорий экин экиш билан қиёволаб қолмай, етиштирилган хосилни яримтайёр маҳсулот ҳолида бозорга чиқариш харақатини қилаётган деҳқонлар кўпаймоқда. Пешку туманининг Бобоҳож кишлоғида яшовчи Бобуржон Раззоқов ҳам ана шундай миришкорлардан. У ўзига ажратилган 10 сотих ерда бақлажон, бўлғор қалампирни етиштириб, маҳсулотни банкларга консерваланган ҳолда бозорга чиқаряпти. Шу тариқа таркиби фойдали микроэлементларга бой маҳсулотни қишин-ёзин сақлаш имкони юзага келаяпти. Харидорларга қулайлик яратила-

ти. Деҳқон ҳам мўмай даромад кўрмоқда. Маълумотларга қараганда, виллоятда ҳосилдан бўшаган майдонларнинг 17 минг гектари ижтимоий дафтарлар рўйхатида турган 45,5 минг нафар ишсиз фуқарога улар хоҳиш-истаги ҳамда имкониятларидан келиб чиққан ҳолда такрорий экин экиш учун ажратиб берилди. Такрорий экин экиб, маҳсулот етиштирган ҳар бир хонадон мавсумда яхшигина даромад қилиши кутиляпти. Виллоят бўйича фермер хўжалиги аъзолари ҳамда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”да рўйхатда турган 88075 хонадон томонидан такрорий экин экиш эвазига умумий ҳисобда 563 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиши ҳамда 801 млрд. сўм даромад олиниши мўлжалланмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, такрорий экин экиш жараёни шарафати билан виллоят бўйича 88 минг кишининг бандлиги таъминланди. — Биргина мана шу нуқтаи назардан қараганда ҳам Президентимизнинг ҳосилдан

бўшаган экин майдонларидан оқилона фойдаланиш, уларни эҳтиёжманд оилаларга такрорий экин экиш учун бериш борасидаги ташаббуси жуда катта аҳамиятга эга, — дея мулоҳаза юрятади Бухоро туманидаги “Маданият Мухаммад Исмат” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Мухаммад Аҳмедов. — Бу бозорларимиз тўкин бўлишига, қиш ва баҳор ойларида озиқ-овқат захира-ларини яратишга кўл келди. Қаҳрамон отахон ҳақ. Энди ерга меҳр қўйиб ишлаганнинг қосаси оқарида. Деҳқон элқасига офтоб теккани шу эмасми? Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



